

268/428 - عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَدِمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَدِينَةَ، فَتَزَلَ أَعْلَى الْمَدِينَةِ فِي حَيٍّ يُقَالُ لَهُمْ: بَنُو عَمْرِو بْنِ عَوْفٍ، فَأَقَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيهِمْ أَرْبَعَ عَشْرَةَ لَيْلَةً، ثُمَّ أَرْسَلَ إِلَى بَنِي النَّجَّارِ، فَجَاءُوا مُتَقَلِّدِي السُّيُوفِ، كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى رَاحِلَتِهِ، وَأَبُو بَكْرٍ رِدْفُهُ، وَمَلَأُ بَنِي النَّجَّارِ حَوْلَهُ، حَتَّى أَلْفَى بِفِنَاءِ أَبِي أَيُّوبَ، وَكَانَ يُحِبُّ أَنْ يُصَلِّيَ حَيْثُ أَدْرَكَتُهُ الصَّلَاةُ، وَيُصَلِّيَ فِي مَرَابِضِ الْعَنَمِ، وَأَنَّهُ أَمَرَ بِنَاءِ الْمَسْجِدِ، فَأَرْسَلَ إِلَى مَلَأٍ مِنْ بَنِي النَّجَّارِ، فَقَالَ: «يَا بَنِي النَّجَّارِ، تَأْمِنُونِي بِحَائِطِكُمْ هَذَا». قَالُوا: لَا وَاللَّهِ، لَا نَطْلُبُ ثَمَنَهُ إِلَّا إِلَى اللَّهِ تَعَالَى، فَقَالَ أَنَسٌ: فَكَانَ فِيهِ مَا أَقُولُ لَكُمْ، فَبُورَ الْمُشْرِكِينَ، وَفِيهِ خِرْبٌ، وَفِيهِ نُحْلٌ، فَأَمَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِقُبُورِ الْمُشْرِكِينَ فُنُبِشَتْ، ثُمَّ بِالْحَرْبِ فَسُويَتْ، وَبِالنَّحْلِ فُقَطِعَ، فَصَفُّوا النَّحْلَ قِبْلَةَ الْمَسْجِدِ، وَجَعَلُوا عِضَادَتِيهِ الْحِجَارَةَ، وَجَعَلُوا يَنْقُلُونَ الصَّخَرَ وَهُمْ يَرْتَجِزُونَ، وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَعَهُمْ، وَهُوَ يَقُولُ:

«اللَّهُمَّ لَا خَيْرَ إِلَّا خَيْرُ الْآخِرَةِ فَاعْفِرْ لِلْأَنْصَارِ وَالْمُهَاجِرَةِ».

268.428 Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Мадинага келиб, унинг энг юқорисига – Бану Амр ибн Авф деган маҳаллага тушдилар. Набий соллаллоху алайҳи васаллам улар билан ўн тўрт кеча турдилар. Кейин Бану Нажжорга одам юбордилар. Улар қиличларини елкаларига осиб келишди. Мен ҳозир Набий соллаллоху алайҳи васаллам га қараб тургандекман ҳамон кўз ўнгимда: у зот уловларининг устида, Абу Бакр эса у зотга мингашиб олган, атрофларида Бану Нажжорнинг хос жамоаси.

Ниҳоят, у зот (сафар анжомларини) Абу Айюбнинг ҳовлисига туширдилар. У зот намозни вақти кирган жойда ўқишни яхши кўрар, қўй қўраларида ҳам

намоз ўқийверар эдилар. У зот масжид бино қилишга буюрдилар. Бану Нажжор қабиласининг хос жамоасига: «**Эй Бану Нажжор, мана бу чорбоғингизнинг қийматини мен билан савдолашинг**», дея одам юбордилар. Улар: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, унинг қийматини фақат Аллоҳдан талаб қиламиз», дейишди.

Анас айтади: «Сизларга айтсам, унинг ичида мушрикларнинг қабрлари, хароба жойлар ва хурмозор бор эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам амр қилдилар, мушрикларнинг қабрлари очилди, сўнг харобалар текисланди ва хурмолар кесиб юборилди. Кейин хурмоларни масжиднинг қибласига териб қўйишди. Унинг (масжиднинг) икки кесақисини тошлардан қилишди. Тош ташишаркан, «ражаз»* айтишарди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам улар билан бирга эдилар. У зот:

«Аллоҳим! Охираат яхшилигидан

Ўзга ҳеч яхшилик йўқ эрур, албат.

Илоҳим, ансору муҳожирларни

Ўз мағфиратинг-ла қилгин мағфират», дердилар».

* Ражаз – қисқа вазнли шеър тури. Унинг битта мисраси «мустафъилун, мустафъилун, мустафъилун» бўлади.

Манба: hadis.islom.uz

